

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

**Давронова Фотима Пирназаровна**

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар  
университети ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада рақамли технологиялар воситасида инглиз тилини ўқитиш тизимини такомиллаштириш хусусида фикр баён этилган бўлиб, муаллиф томонидан таълим сифатини ошириш ва самарадорлигини таъминлашга қўмаклашадиган методлар ўз ифодасини топган.

**Таянч сўзлар:** “Веб-квест”, “Веб-мунозара”, “Булутли” технология , электрон воситалар, SMART таълими, ўқув-билув фаолияти.

## ОСОБЕННОСТИ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ, ИСПОЛЬЗУЕМЫХ В ПРОЦЕССЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

**Давронова Фотима Пирназаровна**

Преподаватель Самаркандского государственного ветеринарного университета  
животноводства и биотехнологии

**Аннотация:** В статье представлено мнение о совершенствовании системы обучения английскому языку с помощью цифровых технологий, а также автором высказаны методы, которые помогают повысить качество образования и обеспечить его эффективность.

**Ключевые слова:** "Веб-квест", "Веб-обсуждение", "Облачные" технологии, цифровая технология, электронные средства, SMART образование, образовательная деятельность.

## SPECIFIC ASPECTS OF DIGITAL TECHNOLOGIES USED IN THE PROCESS OF HIGHER EDUCATION

**Davronova Fotima Pirnazarovna**

Teacher of Samarkand state university of  
veterinary medicine, livestock and biotechnologies

**Annotation:** The article presents an opinion on the improvement of the English language teaching system with the help of digital technologies, and the methods that help to improve the quality of education and ensure its effectiveness have been expressed by the author.

**Key words:** "Web-quest", "Web-discussion", "Cloud" technology, digital technologies, electronic tools, *SMART* education, educational activities.

**Кириш.** Мамлакатимизда таълим жараёнига илғор педагогик услуб ва технологиялар, мультимедиа тақдимотларини қўллашга катта эътибор қаратилиб, илғор хориж тажрибаларини чуқур ўрганиш, таълим жараёнини янги мазмунда ташкил қилиш учун янги ўқув режалари ва дастурларини қайтадан ишлаб чиқиш ва шу асосда ОТМларда инглиз тилини ўқитишда салмоқли вазифалар ижросини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикаимизда сўнгги йиллар ичида “замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва чет тилларини чуқур ўзлаштирган кадрларни тайёрлашнинг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш; олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда” [2].

**Асосий қисм.** Инглиз тилини ўрганиш борасида мамлакатимизда бир қатор ҳукуматимиз томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, буларнинг барчаси ёшларга тил ўрганишга катта имконият яратиб берди ва бўлажак мутахассисларнинг иқтидорини янада ёрқинроқ намоён қилишга қаратилди.

Рақамли технологиялар шароитида, айниқса, мамлакатимизда бугунги кунда рақамли ОТМларининг ташкил топаётганлиги глобаллашув давридаги қайта алоқа сифатида ўрганилаётган масалалар сирасига кирганлигини билдиради. Талабаларга инглиз тилини тезкор ўқитишда “Веб-квест”, “Веб-мунозара”, “Булутли” технология турларидан фойдаланилган ҳолатда юқори натижаларга эришиш мумкин.

Инглиз тилини ўқитишда қуйидаги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш таълим сифатини оширишга, талабаларнинг креативлигини ривожлантиришга, инглиз тилини мукамал ўрганишга хизмат қилади: дастурлаштирилган таълим, интерфаол диалог, ўқув маълумотларини компьютерда визуализация қилиш, компьютерда моделлаштириш, ўқув дастурларидан фойдаланиш. Олий таълим муассасаларида қўлланиладиган ва

самарали натижаларни беришга тайёр бўлган технологиялардан бири-бу Microsoft Cloud булутли технологияларидир.

Инглиз тилини талабаларга ўргатишда булутли технологиялар улар томонидан билимларни ўзлаштиришда катта самара беради, чунки ахборот мажмуасидан иборат технологиялар одатий технологияларга қараганда анча қулайлик туғдиради. Мавжуд адабиётлар, ўрганилган илмий ва интернет манбаларидан олинган маълумотларга таяниб, “булутли технология” тушунчасига қуйидаги тавсифни келтирамиз:

**Булутли технология**- опциялар имконияти доирасида булутли платформаларда амалда сақланиши мумкин бўлган ахборотларни жамлаш, саралаш, йиғиш, уларни интерпретация қилишга хизмат қилувчи рақамли технология тури.

**Булутли технологиялар турлари**

- Виртуал офис;
- Виртуал колл-центр;
- Корпоратив почта ва интернет учун хостинг;
- Булутли иловалар арендаси ва бошқалар

**Cloud computing** – булутли технологиялар рақамли маълумотларни онлайн-сервис тартибида интернет истеъмолчиси, бизнинг ҳолатда, олий таълим муассасаси талабаларига етказиб берувчи технология бўлиб ҳисобланади.

Инглиз тилидаги машғулотларда булутли технологиялардан фойдаланилганда талаба томонидан ишлатилаётган компьютер дастурлари иш натижаларини маҳаллий web-браузер ойнасида кўрсата олади. Барча иш учун зарур бўлган иловалар узокдаги масофадан бошқариладиган интернет-серверда бўлиши мумкин ва вақтинчалик талабанинг ноутбук, приставка, телефонининг кэшида(маълумотлар базасини ташкил қилувчи)да сақланади. Бунда интернет хизматидан фойдаланувчи шахсий маълумотлар базасига эга бўлиб, маълумотни сақлаётган усткурманинг инфраструктураси билан қайғурмайди ва операцион тизим, дастурий таъминоти ҳақида уйламаслиги мумкин.

“Булут” сўзи- «рамз», «кўчирма» маъносини билдиради ва техник тузилмага эга бўлган мураккаб инфраструктурани билдиради.

“Булутли” технологияларда файллардаги иш тартиби ўзининг қулайлиги билан аҳамиятлидир. Бринчидан, дастурий таъминотнинг мавжудлиги, ёки, флеш-хаританинг бор-йўклиги, компьютер қаттиқ дискига маълумотларни жойлашиши бўйича ҳажми, дастурларнинг лицензияга эга, ёки, эга эмаслиги, бир сониянинг ўзида ахборотни бир неча шахсларга етказа олиш имкониятининг мавжудлиги ва бошқалар унинг қулайлигидан далолат беради.

Инглиз тили машғулотларида булутли технологиялардан фойдаланиш учун кўп ҳолларда интернет орқали талабаларни бизнес, спорт, санъат соҳаларига “жалб” қилиш ёрдамида “музокараларни ўтказиш”, “мижозларни маҳсулотларини қизиқиш билан сотиб олишга мажбур қилиш”, “санъат асарларини сўзлаб бериш” учун фойдаланиш мумкин. Масалан, чегирма олиш квест сифатида, сотув эса ўйин сифатида ташкил қилиниши мумкин.

Педагогика туркум фанларига алоқадор ўқув курсларини ўқитишда ҳам рақамли технологиялардан унумли фойдаланиш мумкин. Масалан, талабалар тасаввур қилинадиган “ходимлар”ни бошқариш, жамоада муносабатларни ўрнатиш, меҳнат самарадорлигини ошириш – буларнинг барчаси Веб-квестлар асосида ўтказилса, самараси юқори бўлади.

“Веб-квест” - машғулотни ўтказиш ёки аудиториядан ташқари тадбирларда иштирок этиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг энг янги воситаларидан бири бўлиб, у асосан ўқув жараёнига жалб қилинган талабаларга мўлжалланган.

Таълимий квест- педагогик технология сифатида қаралиб, у ахборот-коммуникация ёрдамида амалга оширилади.

Маълумки, дидактик ўйин сифатида қўлланилаётган “Веб-квест”, “Булутли” технологиялар замирида ҳам шаклланиши мумкин ва талабаларнинг мотивациясини ошириш усулларида бирига айланади. Янги мутахассисларни ёллаш ҳам ўйин сифатида амалга оширилиши мумкин. Масалан, “янги бошловчи” ҳар хил квест даражаларидан ўтади, у компания билан танишади, инглиз тилида интервьюларга жавоб беради, тестларни ечади. Ва агар у энг юқори даражадаги босқичга етса, унда ғалаба қозониш эҳтимоли катта бўлади. Мижозларни сайтда узоқроқ сақлаш учун “Булутли” технологиялардан қўшимча фойдаланиш мумкин. Масалан, “Essay on Sports” мавзусида талабалар билан тузилган “Веб-квест”да қуйидаги матндан фойдаланиш мумкин.

Инглиз тилини тезкор ўзлаштиришда рақамли технологиялар ўзининг педагогик жиҳатлари билан аҳамиятли (1-расм):

Таълим жараёнида қўлланиладиган рақамли технологияларнинг динамикаси - реал вақт режимида талабанинг эътиборини ва жавобини талаб қиладиган сценарийлардан фойдаланишда ўз ифодасини топиши мумкин.

Агентларга асосланган моделларнинг мақсади бу индивидуал қоидалар, унинг индивидуал фаол объектларининг шахсий хулқ-атвори ва тизимдаги ушбу объектларнинг ўзаро таъсири ҳақидаги тахминларга асосланиб, ушбу глобал қоидалар, тизимнинг умумий ҳатти-ҳаракатлари тўғрисида тасаввурга эга бўлишдир.

Биз тадқиқот доирасида рақамли технология парадигмаларидан бири-агентлар категориясини ҳам ўрганиб чиқдик.

Агент - бу фаоллик, автоном хулқ-атворга эга бўлган, маълум қоидалар тўпламига мувофиқ қарор қабул қилиши, атроф-муҳит билан ўзаро алоқада бўлиш, шунингдек мустақил равишда ўзгариши мумкин бўлган маълум бир шахс.

Моделлаштириш тизими симуляция ҳодисаларининг камида битта рўйхатини сақлайди.

Бир йўналишли тезкор воқеаларга асосланган симуляцияларда фақат битта жорий воқеа мавжуд. Холбуки, интервалли ҳодисаларни қўллаб-қувватлайдиган кўп симли симуляция тизимлари ва симуляция тизимлари бир нечта долзарб масалаларни ҳал этиш қобилиятига эга бўлиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам, мавжуд воқеалар ўртасида синхронизация билан боғлиқ жиддий муаммолар мавжуд.

Ҳодисалар қандай ҳосил бўлишига ва навбатларнинг асосий хусусиятларига қараб дискрет-воқеа моделлари детерминистик ва схоластик турларига бўлинади: ҳодисалар рўй берган вақт, хизмат кўрсатиш муддати, вақт бирлигига навбатга кирувчи миқдорлар сони билан белгиланади. Схоластик дискрет воқеа моделлари Монте Карло моделларидан вақт соатларида фарқ қилади.

Дискрет ҳодисаларни моделлаштириш тизимларида тўпланадиган асосий маълумотлар:

- Ресурсларнинг ўртача бандлиги (мавжудлиги)
- Навбатдаги ўртача миқдорлар сони
- Навбатда кутишнинг ўртача вақти
- Тугатиш шarti

Тугатиш шarti қуйидагича бўлиши мумкин:

• Белгиланган ҳодиса юз бериши (масалан, 10 дақиқалик навбат кутиш вақти)

- Симуляция тизимининг соати бўйича маълум циклларни ўтказиш

Таълим жараёнида қўлланиладиган рақамли технологияларнинг фойдаланувчилар (талабалар, профессор-ўқитувчилар) ва истеъмолчиларни жалб қилишга қаратилганлигини кўриш мумкин. Бундай геймификациянинг кўриниши SMART таълими сифатида намоён бўлмоқда. Бугунги кунда дунё таълимида SMART таълими кенг қўлланилиб, интеллектуал таълим муҳитини яратмоқда.

Ақли (SMART) таълим олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг таркиби сифатида (инфратузилма сифатида); янги тур, таълимга янги

ёндашиш, юқори натижаларга эришиш; компетенцияларни шакллантириш шароитида инсон шахсининг ривожланишига хизмат қилади.

SMART таълими олий таълим муассасаларида яхлит тизим - атроф-муҳит билан ўзаро алоқада ўзини намоён қиладиган, тизимга ёки жараёнга, ташқи муҳитдаги ўзгаришларга дарҳол жавоб бериш; ўзгарувчан шароитларга мослашиш; ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини ўзи бошқариш; натижага самарали эришиш каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Ушбу атама кейинги ижтимоий ёки технологик ривожланиш босқичи тушунчалари даражасида акс эттиришга имкон беради. Қизиғи шундаки, янги ақлли технологиялардан фойдаланишнинг бир нечта мантиқий занжирлари мавжуд:

Технологик буюртмаларнинг ўзгариши (тўртдан бешинчиси ва олтинчиси ва ҳ.к. Бу ерда сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда SMART - ақлли таълим устун бўлади.

Е.Л. Мельникова SMART -таълимига оид тадқиқотлар ўтказишиб, унинг қуйидаги йўналишлари мавжудлигини қайд этди [6; 31-б.]: SMART таълими интеллектуал муҳит сифатида;

SMART таълим муассасалари ва ўқитувчилар таркиби сифатида (улар билан келишиш қийин, аксинча уни университетда бу каби инфратузилма деб ҳисоблаш керак);

SMART янги тур, таълимга янгича ёндашиш, бу сизга юқори натижаларга эришиш ёки самарали усуллар билан эришиш имконини беради;

SMART янги ақлли компетенцияларни шакллантириш шароитида инглиз тилини ўрганаётган талабалар учун бир неча функцияларни бажаради [7, 56-б.].

**Хулоса.** Шундай қилиб, олий таълим жараёнида рақамли технологияларнинг педагогик жиҳатлари муайян таълим принципларига бўйсунди ва инглиз тилини ўргатишда ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. Инглиз тилидаги ўқув материални ўзлаштириш асносида талабалар томонидан тайёрланган кўргазмали қуроллар, чизмалар, ёзилган ёзма ишлар, бажарилган машқлар рақамли технологиялар замирида фойдаланиши муқаррар. Бунда талабанинг ижодкорлиги, топқирлиги, идроки, фикр юритиш доираси айнан рақамли технологияларни қай даражада ўзлаштирганлиги ва шу аснода хориж (инглиз) тилини тезкор ўрганишга бўлган мотивацияси билан белгиланади.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси («Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 3-4-сон, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 й., 12/1-сон, 343-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 152-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2011 й., 16-сон, 159-модда; 2014 й., 16-сон, 176-модда).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги Қарори “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1875 сонли Қарори/ <https://lex.uz/docs/2126032>;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4366-сон қарори/ <https://lex.uz/docs/4390>
4. Андреев В.И. Концептуальная педагогическая прогностика: Монография / Андреев В.И. Казань: Центр инновационных технологий, 2010. 220 с.
5. Муслимов Н.А. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. –Т.: 2015, - 80 б.
6. Мельникова Е.Л. Концентрированное обучение: модели образовательной технологии.- Краснодар: Департамент образования и науки, 2011. – 56 с.
7. Pirnazarovna, D. F. (2022). WAYS OF FORMING DIGITAL LITERACY IN THE CONTEXT OF TEACHING ENGLISH. *EPRA International Journal of Research and Development (IJRD)*, 7(3), 55-57.